

ШАРТНОМА № 57315

«30» март 2022 йил

ЧП «Consmate Trade» номидан Низом асосида ҳаракат қилувчи директор Тошпулатов И.М. бундан буен бир томондан «Хизмат кўрсатувчи» деб юритилади, иккинчи томондан Ғармиса шаҳар Қомилгани асосида ҳаракат қилувчи, Ғамиса қишлоғи В. Назаров номидан бундан буен «Буюртмачи» деб юритилади ва куйидагилар хақида ушбу шартнома тузилди.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Хизмат кўрсатувчи» «Буюртмачи» олдидаги Телекоммуникациялар тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизматлар кўрсатиш хизматларини кўрсатиш, «Буюртмачи» эса тўловни белгиланган тартибда амалга ошириш мажбуриятини оладилар.

II. КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР ВА ШАРТНОМА НАРХИ

2.1.

№	Хизмат номи	Улч бир	Микдори	Нархи	Жами сумма
1	Телекоммуникациялар тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизматлар кўрсатиш	комп	1	37 500 000	37 500 000
	ЖАМИ				37 500 000

2.2. Хизматнинг шартномавий умумий баҳоси **37500000 (Ўттиз етти миллион беш юз минг) сўм** этиб белгиланди.

III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Хизмат нархлари келишув асосида **37500000 (Ўттиз етти миллион беш юз минг) сўм**, этиб белгиланди.

3.2. Тўлов «Буюртмачи» томонидан «Хизмат кўрсатувчи»нинг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йули билан амалга оширилади.

3.2. «Буюртмачи» кўрсатиладиган хизмат учун олдиндан, шартномадаги нархнинг 30% и микдорида пул ўтказиш йули билан олдиндан тўловни амалга оширади, 70% тўлов ҳисоб фактура ва иш бажарилганлиги тўғрисидаги далолатномага асосан амалга оширилади.

IV. ХИЗМАТНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ

4.1. «Хизмат кўрсатувчи» мазкур шартнома конуний кучга киргандан сунг Тўлов амалга оширилган кундан бошлаб _____ иш куни ичида «Хизмат кўрсатувчи» шартномага асосан ишни бажариб, ҳисоб фактура ва иш бажарилганлиги тўғрисида далолатнома орқали «Буюртмачи»га топширади.

V. ХИЗМАТ СИФАТИ

5.1. Кўрсатилаётган хизматнинг сифати «Буюртмачи»нинг талабига мос келиши шарт.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. «Хизмат кўрсатувчи»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

Хизмат кўрсатувчи:

- Локал тармоқини ўрнатиш хизматларини кўрсатади
- Хизмат бажариб бўлинганлиги тўғрисида «Буюртмачи»ни огоҳлантиради,

- хизмат учун сарфланадиган материалларни ўз маблағлари, ўз воситалари ва ўз кучлари ҳисобидан амалга оширади,
- Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Буюртмачи»га хизмат кўрсатиб беради,
 - Тармокни топшириш жараёнида юзага келган муаммолар бўйича «Буюртмачи»нинг расмий сўровини қабул қилади ва ўз вақтида бартараф этиб ва техник ёрдам кўрсатади,
 - Тармокни топшириш жараёнида аниқланган носоз материал ва қурилмаларни алмаштириб беради,
 - Ўрнатилган қурилмаларга 3 ойлик кафолат ва қурилган локал тармоққа 1 ойлик бепул хизматни тақдим этади,
 - «Хизмат кўрсатувчи» хизмат учун сарфланган материалларини иш бажарилганлиги тўғрисида далолатномада тулик ва аниқ номини, махсулот навини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиши шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тулик реқвизитларини расмийлаштириши шарт.
 - «Хизмат кўрсатувчи» ўрнатилган ва соз ҳолатда топширилган материаллар, қурилмалар ва қурилган тармоққа кафолат ва бепул хизмат кўрсатиш вақти ўтгандан сўнг улар учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.
 - Қурилган локал тармокни топшириш тегишли ҳужжатлар асосида, иш пайтида ва иш бажарилган жойда амалга оширилади.

6.2. «Буюртмачи»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

- «Буюртмачи» шартномада белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш, хизматни ушбу шартномада ва конун ҳужжатларида белгиланган тартибга, сонига, сифатига қараб уз вақтида қабул қилиб олиши лозим,
- «Буюртмачи» Қабул қилиш-топшириш далолатномаси орқали қабул қилиб олинган материаллар, қурилмалар ва қурилган тармоқ учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.
- Тулик расмийлаштирилмаган ҳамда бажарилган хизматнинг номи ва категориялари кўрсатилмаган далолатномалар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этмаслиги ёки тегишлича бажарилмаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Конунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган тарзда жавобгардирлар.

7.2. «Хизмат кўрсатувчи» «Буюртмачи»нинг олдиндан маблағи булган ҳолда хизматни белгиланган муддатда бажариб бермаганлиги учун кечиктирилган хар бир кун учун шартномада кўрсатилган сумманинг 0,5 % миқдорида «Буюртмачи»га пеня тулайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган сумманинг 50 % дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

7.3. Шартнома талабларида кўрсатилган сифатларидаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган булса, айбдор тараф 20% миқдорида жарима тулайди.

7.4. «Буюртмачи» кўрсатилган хизмат учун тўловни уз вақтида амалга оширмаса кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0,4 % миқдорида «Хизмат кўрсатувчи»га пеня тулайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган сумманинг 50 % дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

VIII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боглиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд булган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Фавқулотда тусдаги ҳолатларга: сув тошқини, ёнгин, ер кимирлаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек харбий ҳаракатлар, давлат органларининг актлари ёки ҳаракатлари ва тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа, хар қандай ҳолатлар тегишлидир.

8.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тугрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.

8.3. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч 1 ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг-ижросини бекор қилиш мумкин.

IX. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Ушбу шартномани бажариш, узгартириш ва уни бекор қилиш да пайдо буладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан хал қилинади. Ўзаро келишилмаса иқтисодий суд ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари тартибида хал қилинади.

9.2. Шартнома тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

9.3. Ушбу шартнома 2022 йил «30» 03 дан 2022 йил «31» Январь гача тузилди. Шартнома икки томонлама имзоланиб, тасдиқлангандан сунг қонуний қучга қиради.

X. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«Хизмат кўрсатувчи»	«Буюртмачи»
<p>ЧП « Consmate Trade»</p> <p>Манзил: Фаргона шаҳар, Навруз кўчаси X/p: 20208000400905707001 МФО: 01043 Банк номи Капитал банк г.Фергана ИНН: 305676341</p>	<p>FARG'ONA SHAHAR HOKIMLIGI Farg'ona shahar, Nurafshon k-si 15-uy. Tel:(73) 243-91-91 (73) 243-91-92 Moliya Vazirligi G'aznachiligi, Stlr:201122919 Markaziy B, Toshkent sh. Bosh boshqarmasi XKKM. MFO:00014</p> <hr/> <p>Yagona h/r:23402000300100001010 Shhv: <u>100022860300010000000004</u> Mok.stlr:202059679 OKONX:97600</p>
<p>Манзил: Фаргона шаҳар, Навруз кўчаси X/p: 20208000400905707001 МФО: 01043 Банк номи Капитал банк г.Фергана ИНН: 305676341</p> <p>Рахбар _____ Тошпулатов И.М.</p>	<p>Манзил: X/p: МФО Банк номи: ИНН Рахбар _____ У. Дуратов</p>



Ушбу шартнома: Тошпулатов И.М.
У. Дуратов